

Исми ва насаби: Осим ибн Абуннажуд ибн Бахдала ал-Асаций ал-Кўфий. Унинг куняси Абу Бакр бўлган. Айрим манбаларда Бахдала отасининг исми дейилса, бошқаларида онасининг исми ҳам дейилади. Шунга кўра, у Осим ибн Бахдала деб ҳам номланган. Бану Асад кабиласининг мавлоларидан бўлган.

Таваллуд ва вафоти: Осим ибн Абуннажуднинг таваллуд санаси маълум эмас. Аммо манбаларда Муовия розияллоху анхунинг халифалик даврларида (41/661

□
60/679) тугилгани айтилган. Имом Осим Кўфада тугилиб, ўсган ва ўз шахрида 127/745 санада вафот этган.

Манокиби: Имом Осим Расулulloх алайхиссаломнинг саҳобаларини кўриб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган улуг тобеинлардан ҳисобланади. У ёшлигидан Куръон ўрганишга киришган. У: «Биз Абу Абдуррахмоннинг олдига борардик. Ўшанда ўспирин болалар эдик», дер эди.

Осим ибн Абуннажуд раҳматуллоҳи алайҳи ўз замонасининг йирик олими, кироат илмида пешво устозларидан эди. У кироат, ҳадис, фикх, нахв, ва лугатшунослик илмларининг билимдони эди. Осим ибн Абунажуд ўта такводор, серибодат киши бўлиб, кўп нафл намоз ўқирди. У ниҳоятда хушовоз инсон бўлиб, шунақанги фасохат билан, дона--дона сўзлардики, ифодасидан кишилар хайратга тушар эдилар. Имом Осим мўътабар, ишончли олимлардан бўлиб, кўплаб ҳадис ривоят қилган. У киши ривоят қилган ҳадислар олти саҳих тўпламдан жой олган.

Абу Заръа ва бошқа бир гуруҳ муҳаддислар имом Осимни ҳадис ривоятида ишончга эга деб айтишган.

Имом Осим устози Абу Абдуррахмон Суламийдан кейин унинг ўрнига Кўфа ахлининг кироат пешвосига айланди. У устозининг ўрнида ўтириб то ҳаётининг охиригача кишиларга Куръондан таълим берди. Имом Осим Куръонни тажвид билан, мукамал

кироат килишга каттик эътибор берар, бу борада ўта талабчан эди. Бу ҳақда «Тобакот ал-ханафия» китобида Шуъбадан куйидагича накл қилинади: «Мен Куръонни Осим ибн Абуннажудга ўқиб берганман. У менга бир кунда бир оятдан ўқиб беришини ва бундан оширмаслигимни буюрган эди ҳамда: «Мана шу сен учун мустаҳкамрок бўлади», дерди. Аммо устоз тириклигида *хаётлигида* Куръонни тўла ўқиб тамомлашга кўзим етмагач, кайта--кайта илтимос қилган эдим, ниҳоят, хар қуни беш оятдан ўқишга изн берди».

Имом Осим Куръон таълимига бел боғлаган, ҳаётини шу буюк хизматга бағишлаган, шогирдларга кироатни ўргатишга иштиёқи баланд киши эди. «Гояту ан-нихая»да Муфаззал аз--Зоббийдан накл қилинади: «Мен Осимнинг олдига унга Куръон ўқиб бериш учун борардим. Агар бора олмай қолсам, у менинг уйимга келарди».

Шуъба ибн Айёш: «Мен Абу Исхок Сабиъийнинг: «Кироат илмида Осим ибн Абуннажуддан билимдонрок кишини кўрмадим

»

, деб неча марта айтганини саноғига етолмайман

»

, деб айтган. Хасан ибн Солих эса:

«

Мен Осим ибн Абуннажуддан фасохатлирок гапирадиган кишини кўрмадим. У гапирганда мағрурлик касб этарди

»

, деган.

Ахмад Ижлий айтади: «Осим суннат ва кироатни эгаллаган киши эди. Куръон борасида пешқадам имом эди. Осим Басрага келиб, у ердагиларга Куръон ўргатган».

Шуъба айтади: «Осим: «Икки йил қасаллик сабабли тўшакка миҳланиб қолдим. Тузалгач, Куръонни ўқиб кўрдим, бирорта харфга адашмадим», деган эди». У яна: «Абу Абдуррахмон вафот этгач, Осим одамларга Куръон ўргатиш учун ўтирди. У одамларнинг энг овози чиройлиси эди, худди товуш пайчаларида кўнгирик борга ўхшарди», деган.

Ибн Саламадан ривоят қилинишича, Абу Воил Осимнинг олдига келса, унинг кўлини ўпар экан.

Хафс айтади: «Осимга қачон Куръон ўқиб берилса, кўлини чиқариб, санаб ўтирарди. У тобеинлардан эди».

Хаммод ибн Салама айтади: «Мен Хабиб ибн Шахиднинг намозда оятларни улаб ўқиётганини кўрганман. Шунингдек, Осим ибн Бахдаланинг ҳам худди Абдуллох ибн Хабиб каби оятларни улаб ўқиётганини кўрдим».

Абдуллох ибн Ахмад ибн Ханбал айтади: «Мен отамдан Осим хакида сўрадим. Отам: «У жуда солих, кишиларга кўп яхшилик қилувчи ва ишончли одам эди», деди. Кейин мен : «Сиз учун қайси кироат афзал?», деб сўрадим. «Мадина ахлининг кироати», деб жавоб берди отам. «Ундан сўнг қайси кироат энг севимли?», деб сўраган эдим, у: «Осимнинг кироати», деб жавоб қилди.

Абу Бакр Шуъба айтади: «Осим намоз ўқиганда устундек тик турарди. Жумъа куни асргача масжидда бўларди. У обид, олийжаноб одам эди, доим намоз ўқирди. Гохида бирор юмуш билан чиқканда масжидни кўриб қолса: «Юр биз билан, юмушимиз қочиб кетмайди», дерди--да, кейин масжидга кириб, намоз ўқирди».

Имом Осим илмга ниҳоятда иштиёқманд эди, ҳатто ўз шогирдларидан илм олишдан ҳам тортинмас эди. Муборак ибн Саид айтади: «Осим ибн Абуннажуднинг Суфён ибн Уяйна хузурига ундан фатво сўраб келганини кўрдим. У: «Эй Суфён, сен бизнинг олдимизга кичиклигингга борган эдинг, биз сенинг олдингга катта бўлганда келдик», деди».

Имом Осим: «Тавозеъ – бу уйингдан чиқар экансан, учратганки одамингни ўзингдан кўра яхши деб билишингдир», дерди.

Шуъба айтади: «Устозим Осим ўлим тўшагида ётганида хузурига кирдим, у беҳуш эди. У тинимсиз «**كَيْفَ يَكُونُ الْوَجْهَ الْوَالِدِيَّ**» («**Кейин хакикий хожалари Аллохга кайтриладилар**») оятини худди намозда ўқиётгандек, ниҳоятда дона--дона қилиб, маромига келтириб такрорларди. Шунда мен кироат унинг табиий хусусиятига айланиб кетганини англадим».

Имом Осимдан айрим сахифалар мерос колган бўлиб, уларда имом ўзи ривоят қилган кироат ва хадисларнинг айримларини ёзиб, қайдлаб қўйган эди.

Бугунги кунда Ислом оламининг асосий қисми Куръони Каримни имом Осимнинг кироатида ўқийди.

Устозлари: Имом Осим Куръони Карим таълимини Абу Абдуррахмон Абдуллох ибн Хабиб ас--Суламий, Зирр ибн Хубайш ал--Асадий ва Абу Амр Саъд ибн Илёс аш-Шайбонийлардан олган. У саҳобийлардан Хорис ибн Хассон ва Рифоъа ибн Ясрибий розияллоху анхумолардан, шунингдек, Абу Абдуррахмон Суламий, Зирр ибн Хубайш, Абу Воил, Мусъаб ибн Саъд ва бошқа кўплаб тобеинлардан хадис ривоят қилган, Ато ибн Абу Рабох ва Абу Солих Симонлардан ҳам олган.

Ибн Асокир «Тарихи Димашк»да келтиради: «Осим: «Мен Куръонни Абдуррахмон Суламийга ўқиб берганман. Абу Абдуррахмон эса Али розияллоху анхуга ўқиб берган. Мен унинг олдидан қайтаётиб, Зирр ибн Хубайшга ўқиб берар эдим. Зирр Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхуга ўқиб берган эди», деди. Шуъба: «Кироатни икки тарафдан олиб, аниқлаб, мустаҳкамлаб олган экансиз--да?», деди. Осим: «Ха, шундай», деди».

Имом Заҳабий ва Жазарийларга кўра, Осим шундай деб айтган: «Менга Абу Абдуррахмондан бошқа ҳеч ким бирорта ҳам харф ўқитмаган. Мен унинг олдидан қайтаётиб, Зирр ибн Хубайшга ўқиб берар эдим».

Кироатдаги санади: Имом Осим кироатни Абу Абдуррахмон ас--Суламий, Зирр ибн Хубайш ва Саъд ибн Илёслардан олган. Буларнинг ҳар учови ҳам Куръонни Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхундан таълим олган. Зирр ибн Хубайш ва Абу Абдуррахмонлар Али розияллоху анхуга ҳам Куръонни ўқиб берганлар. Абу Абдуррахмон Суламий Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собит розияллоху анхумларга ҳам ўқиб берган. Усмон, Али, Убай ва Зайд розияллоху анхум бу кироатни Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламдан олганлар. Демак, имом Осим кироатни Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламдан икки восита орқали ривоят қилган.

Шогирдлари: Имом Осимдан Ато ибн Абу Рабох ва Абу Солих Симон, Сулаймон Таймий, Абу Амр Амр ибн Ало, Шуъба, Саврий, Хаммод ибн Салама, Шайбон Нахвий, Абу Авона,

Суфён ибн Уяйна ва бошкалар хадис ривоят килишган. Абу Амр ибн Ало, Халил ибн Ахмад, Хамза аз-Зайёт, Хорун ибн Мусолар харфлар ривоят килишган. Осимдан кироатни Хафс ибн Сулаймон, Шуъба ибн Айёш, Муфаззал ибн Мухаммад, Хаммод ибн Шуъайб, Хаммод ибн Зиёд, Хасан ибн Солих, Абон ибн Таглиб, Хаммод ибн Мехрон, Сахл ибн Шуъайб, Абулмунзир Салом ибн Сулаймон, Шайбон ибн Муъовия ва бошка кўпчилик ровийлар накл қилган. Буларнинг орасидаги энг машхурлари Хафс ибн Сулаймон ва Абу Бакр Шўъба ибн Айёшдир.

Имом Осим Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ўрганган кироатларини Хафс ибн Сулаймонга, Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхудан ўрганган кироатларини эса Абу Бакр Шўъба ибн Айёшга таълим берган. Имом Осимнинг ҳар икки ровийси ҳам у кишидан кироатни бевосита ривоят қилган.

Имом Жазарий «Ан--Нашр»да Осим кироати жами 128 та тарика билан ривоят қилинганини айтган.

Машхур ровийлари:

А) Абу Бакр Шуъба;

Б) Хафс ибн Сулаймон.

Шуъба

Исми ва нисбати: Абу Бакр Шуъба ибн Айёш ибн Солим ал--Ханнот ал--Асадий ал--Куфий. Баъзи манбаларда унинг исми бошқача бўлгани ҳам айtilган, аммо улар унча тўғри эмас. Бугдой савдоси билан шугуллангани учун уни «ал--Ханнот»

□

«бугдойфуруш» хам дейишарди. Асли Бану Асаднинг мавлоларидан бўлгани учун унга ал--Асадий деган нисбат берилган.

Таваллуд ва вафоти: Шуъба 95/714 санада Кўфада тавуллуд топган ва 193 хижрий сананинг (милодий 808 йил) Жумодул-аввал ойида вафот этган.

Фазилати: Шуъба ибн Айёш рахматуллохи алайхи етук олим, ўта такводор, зоҳид, обид, аҳли сунна уламоларининг кўзга кўринган намояндаларидан бўлган. У кироат, ҳадис, фикх илмларида етук билимга эга эди. Илм тахсилини ёшлигидан бошлаган ва бу йўлда ҳар қандай машаққатни енгиб ўта олган эди.

Абу Бакр Шуъба эрталабдан мактабга борар, кейин имом Осимнинг ҳузурига келар эди. У талабалик йилларини эслаб шундай дейди: «Мен Осимнинг олдига уч йилча иссиқда ҳам, кишда ҳам, ёмғирда ҳам бордим». У яна: «Осимдан Куръоннинг бирор ҳарфини ҳам кўймай эгаллаганимдан кейин ажрадим», деган эди.

Имом ибн Вахбон ўзининг «Ахсан ул--аҳбар» китобида шундай ёзади: «Шуъба Осимнинг олдига иссиқда ҳам, совуқда ҳам келарди. Гоҳида ёмғир сувига кўмилиб кетарди. Сув икки биқинигача етиб кетарди, кейин кийимини ечиб оларди».

Шуъбанинг шогирдларидан бири Яхё ибн Одам айтади: «Абу Бакр ибн Айёш менга: «Сен мендан мана бу ҳарфлар қ кироат коидалари ҳақида сўраяпсан. Мен улар учун ўзимни йиллар оша ёзда ҳам, кишда ҳам, ёмғирда ҳам кийнаб меҳнат қилганман», деган эди».

Яхё ибн Одам айтади: «Абу Бакр менга шундай деди: «Мен Куръонни Осимдан худди ёш бола муаллимдан таълим олгани каби ўрганганман. У мени бироз кийнаган ҳам. Мен унинг кироатидан бошқани яхши адо этолмайман. Сенга айтаётганларим фақат Осимдан маромига етказиб ўрганганларимдир».

Хатиб Багдодий «Тарихи Багдод» китобида айтади: «Абу Бакр ибн Айёш олийжаноб, фазилатли киши эди, у қирк йил ёнбошини ерга қўймаган». Яъни у кечаси кўп намоз ўқиганидан, Аллох таолодан ҳаё қилганидан, У Зотга бўлган таквосининг юксаклигидан

оёк узатиб ётмаган экан. Абу Абдуллох Нахаъий ва Яхё ибн Маъин: «Абу Бакр ибн Айёш эллик йил тўшак тўшамаган эди», деб айтган.

Абу Бакр ибн Шуъба: «Мен саксон йил Рамазон рўзасини тутдим, на хазарда ва на сафарда бирор кун хам огзимни очмадим», деган эди.

Ибн Муборак: «Мен Абу Бакр ибн Айёшдан кўра суннатга шошиладиган кишини кўрмадим», дейди.

Имом Захабий Яхё ибн Саъддан куйидагиларни накл килади: «Мен Абу Бакр ибн Айёшга Маккагача хамрох бўлдим. Ундан кўра пархезкор кишини кўрмаганман. Кўфа ахлидан бир киши унга хурмо хадя килган эди. Кейин унинг Холид ибн Салама Махзумийдан тортиб олинган хурмодан экани хакида Шуъбага хабар етди. У Маккага келиб, хурмони сотди ва пулини садака килиб юборди».

Хатиб Багдодий шундай ёзади: «Абу Бакр ибн Айёшнинг бир кўзидан йигирма йил ёш окди, аммо буни унинг ўз ахли хам билгани йўк... У юнгдан бўлган дўппи ва шалварда, кексайгач эса бир таёкчани унга суяниш учун кўксига тираган холда тунларни ибодат билан бедор ўтказарди».

Усмон ибн Абу Шайба айтади: «Хорун Рашид Абу Бакрни Кўфадан ўз хузурига олиб келди. У билан бирга Вакиъ хам бор эди. Уни Вакиъ етаклаб кириб келди. Хорун Рашид уни ўзига якин ўтиргизди ва: «Сиз Бану Умайянинг даврини хам, бизнинг давримизни хам кўрдингиз. Хўш, кайси биримиз яхшироқми?» деди. Шуъба: «Улар одамларга манфаатлироқ эди, сизлар намозга мустахкамроксиз», деди».

У жуда кўп Куръон ўқирди. Хатто ўгли унинг ўттиз йилдан бери хар куни Куръонни бир бора хатм килишини айтган. Ахмад ибн Холид айтади: «Абу Бакрга «Кандай килиб тартил билан кироат киласан?» дейилди. Шунда у: «Кандай килиб тартил кила олмай? Ахир мен кирк йилдан буён бир кеча--кундузда биро бора хатм киламан!», деди».

Абу Бакр Шуъба ахли суннанинг мустахкам химоячиларидан бўлган. Яхё ибн Маъин

айтади: «Абу Хишом Рифоъий шундай деди: «Мен Абу Бакр ибн Айёшнинг: «Абу Бакр Сиддик Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг Куръонда айтилган халифасидир. Чунки Аллох таоло: **«Ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан жудо килинган, Аллохдан фазл ва Унинг розилигини умид киладиган хамда Аллохга ва Унинг Расулига ёрдам берадиган факир мухожирларгадир. Ана ўшалар содиклардир**» , деган. Аллох содик деб номлаган кишилар харгиз ёлгон гапирмайди. Улар «Эй Расулуллохнинг халифаси» дейишарди», деяётганини эшитганман».

Абу Бакр Шуъба: «Сукутнинг энг кам фойдаси саломатликдир ва бу офият учун кифоядир. Сўзлашнинг энг оз зарари шухратдир ва бу фалокат учун етарлидир», дерди. У яна: «Илм йўлига кириш осон, у оркали Аллохга кўтарилиб чиқиш кийин», деган эди. У: «Мен Исломнинг ярмиман», дер эди.

У киши узок умр кўрган, бироқ вафотидан етти йил ёки ундан кўпроқ муддат аввал Куръон ўқитишни тўхтатган. У Куръон таълимида нуксонга йўл қўйишидан кўркиб шундок килган. Хатиб Багдодий «Тарихи Багдод» китобида Шуъбанинг бир шогирдидан куйидагиларни накл килади: «Абу Бакрнинг корачиги окиб тушди. Шунда у менга: «Уни кафтимга қўй--чи», деди. Мен уни кафтига қўйдим--у, йиглаб юбордим. Шунда у: «Менга йиглайсанми, холбуки, мен саксон йил Куръон ўқидим--ку?! Сенга яна бир бошка нарсани хам айтиб берайин, ўғлим. Мен касал бўлганимда хар кеча, албатта, Куръон ўқирдим», деди».

Хатиб Багдодий ёзади: «Шуъбанинг вафоти якинлашганда синглиси йиглади. Шунда буюк имом: «Нега йиглайсан? Ана у бурчакка кара, мен у ерда ўн саккиз минг маротаба хатм килганман», деди.

Устозлари: Шуъба кироат илмида, асосан, имом Осимдан таълим олган. Осимга Куръонни уч-тўрт маротаба ўқиб берган. Шунингдек, айрим уламолар: «У Ато ибн Соиб ва Аслам ал--Мункирийларга хам ўқиб берган», дейишган.

Имом Захабийнинг ёзишича, Шуъба шундай деган: «Мен Осимдан корирок кишини кўрмадим, шу боис, унга Куръондан дарс топширдим. Мугийрадан факихрок кишини кўрмадим, шунинг учун уни махкам ушладим».

Шогирдлари: Ундан Куръонни Абу Юсуф Яъкуб ибн Халифа, Абдуррахмон ибн Абу Хаммод, Урва ибн Мухаммад, Яхё ибн Мухаммад ва Сахли ибн Шуъайблар тўлик ўкиб ўтказган. Ундан кироатни Исхок ибн Исо, Ахмад ибн Жубайр, Хусайн ибн Али, Имом Кисойи, Хорун ибн Хотим, Яхё ибн Одам, Абдуллох ибн Солих ва бошқалар ривоят қилган.

Хафс

Исми ва нисбати: Абу Умар Хафс ибн Сулаймон ибн ал--Мугийра ал-Баззоз ал--Куфий. У «Хуфайс» □ «Кичик Хафс» номи билан ҳам машхур бўлган. Унга газлама савдоси билан шугиллангани учун «ал--Баззоз», яъни «газламачи» деган нисбатни ҳам беришган.

Таваллуд ва вафоти: Хафс ибн Сулаймон 90/709 санада Кўфада таваллуд топган ва 180/796 санада шу шаҳарда вафот этган.

Фазилати: Хафс раҳматуллоҳи алайҳи имом Осимнинг асранди ўгли бўлиб, унинг тарбиясида ўсган. Ёшлигидан имом Осимдан Куръони Карим кироатини ўрганган. Шунинг учун кироатни пухта эгаллаган эди. У Куръонни Осимдан эшитиб, кейин унга топширар эди. У кироатга тили равон, ўта мохир бўлган.

Имом Доний: «У одамлар ичида Осимнинг кироатини тиловат қилиб бериб олган кишидир», деган. Хафс устози Осимдан кейин Кўфада унинг ўрнида Куръондан таълим берди. Шунингдек, у Бағдод ва Маккаи Мукарама шаҳарларида ҳам одамларга кироатдан дарс берган.

Ибн Маъин: «Осимдан қилинган энг ишончли ривоят Абу Амр Хафс ибн Сулаймон қилган ривоятдир», деган.

Хафс раҳматуллоҳи алайҳи Куръон билан кўпроқ машгул бўлган, аммо ҳадис илмида унчалик етук илмга эга бўлмаган. Зотан, бир соҳадаги етуклик гоҳида бошқа соҳаларда оксаш эвазига бўлиши бор гап. Имом Заҳабий ҳам Хафс ҳақида шундай фикр билдирган.

Осим Абу Бакрдан кироат борасида устун бўлса, Абу Бакр Осимдан илмда пешкадам бўлган.

Имом Захабий: «У хадисдаги холига хилоф ўларок, кироатда ўта ишончли, мустахкам, уни пухта эгаллаган кишидир», дейди. Шундай бўлса--да, имом Ахмад ундан ўз «Муснад»ида хадис ривоят қилган.

Ибн Мунодий айтади: «Хафс Осимга Куръонни бир неча мартаба ўқиб берган. Олдингилар уни хифзда Абу Бакр ибн Айёшдан ҳам устун санашар ва унинг Осимдан олган кироатини пухта эгаллаган даб тавсифлашар эди. У ўша кироатни одамларга узок йил таълим берди. Унинг Осимдан таълим олган кироатининг санади Али ибн Абу Толиб розияллоху анхуга бориб етади».

Ибн Вахбон айтади: «Хафс: «Мен кироатни Осимдан бирор харфда ҳам иккиланмайдиган бўлиб тўғрилаб олганман», дер эди. У узок йил мана шу кироатда ўқиди».

Хафс айтади: «Мен Осимга: «Абу Бакр ибн Шуъба кироатда мендан бошқача ўқияпти», дедим. Шунда у: «Мен сенга Абу Абдурахмонга ўқиб берганимни ўқитмоқдаман, у Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан олган. Абу Бакр ибн Айёшга эса Зирр ибн Хубайшга ўқиб берганимни ўқитяпман, у Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анхудан олган», деди».

Имом Ибн Мужохиднинг айтишича, Хафс билан Шуъбанинг ривоятлари ўртасида 500 га якин ўринда фарк бор.

Устозлари: Хафс рахматуллохи алайхи асосан имом Осимдан таълим олган. У арз ва талкин (ўқиб бериш ва устознинг сўзма--сўз ўқитиши) йўли билан ўрганган. Бу услуб кироат таълимида энг олий мартаба ҳисобланади.

У яна Мухаммад ибн Абу Айюбдан кироат коидаларини ҳам ривоят қилган. Шунингдек, имом Осимдан, Исмоил ибн Абдурахмон Суддий, Хаммод ибн Абу Сулаймон, Ибн Абу Лайло, Алкама ибн Марсад, Собит Банноний, Касир ибн Зозон ва бошқалардан хадис тинглаган.

Шогирдлари: Хафснинг кироатини жуда кўпчилик накл килган. Жумладан, Хусайн ибн Мухаммад, Амр ибн Сабох, Фазл ибн Яхё Анборий, Хамза ибн Косим, Сулаймон ибн Довуд Захроний, Абу Шуъайб Каввос, Халаф Хаддод, Хусайн ибн Али Жуъфий, Ахмад ибн Жубайр Антокий ва бошқалар.

Бугунги кунда Ислом оламининг аксар қисмида Куръони Карим ушбу кироат асосида □ Хафснинг Осимдан килган ривоятига кўра ўқилади. Жумладан, бизнинг диёримизда ҳам кўп асрлардан буён ушбу кироат жорий бўлган.

Хафснинг ривояти кенг тарқалишига бир нечта сабаблар келтирилади. Жумладан:

1. Хафс раҳматуллоҳи алайҳи Куръон таълимида бошқалардан илгор бўлган, у фақат Кўфада таълим бериш билан чекланмай, бошқа Ислом ўлкаларида ҳам кўпчиликка Куръон ўқитган.

2. Хафс ривоятидаги кироат қоидаларининг содда ва осонлиги. Маъ, идғом ва бошқа шу каби қоидаларда бу ривоят анча жўн. Шу боис, уни ўрганиш осон. Бу эса ўз навбатида, уни ўрганувчилар сонининг ортишига сабаб бўлган.

3. Бошқа кироатлардаги қоидаларни ўрганиш ва ижро этиш кўпроқ малака талаб қилади. Мусулмонлар ичида араблардан кўра аҷамлар кўпайиб, Ислом ўлкаларида илмга бўлган рағбат ва ҳаракат пасайиб, маъкур кироатларни ўзлаштиришда кишилар машаққатга тушганини, энг ёмони, уларни хато ўқишга ўтишганини кўрган уламолар оммани энг содда кироат □ Хафснинг Осимдан килган ривояти асосида ўрганишга тарғиб қилишган, бошқа кироатларни эса мутахассислар ўрганиб, сақлаб боришса, фарзи кифоя учун шу етади, дейишган.

Осимнинг кироат йўли:

1. Суралар ўртасида басамала айтади, фақат «Анфол» билан «Тавба» ўртасида айтмай, сакта ёки васл қилиб ўқийди.

2. Муттасил ва мунфасил мадларни ўртача 4 ҳаракат чўзади.

3. Шуъбанинг ривоятига кўра, куйидаги калималарда имола килинади: $\square\square\square$, $\square\square\square$, $\square\square\square\square$, $\square\square$

,
 $\square\square\square$

. Хафс ривоятида эса фақат биргина калимада имола бор:

$\square\square\square\square\square\square$

.

4. Шуъбанинг ривоятида куйидаги ўринларда изофа «йа»си фатхали ўкилади: $\square\square\square\square$ $\square\square\square$

,
 $\square\square\square\square$ $\square\square\square\square$ $\square\square\square\square$ $\square\square$

. Куйидаги ўринларда эса сокин ўкилади:

$\square\square\square\square\square$ $\square\square\square$

,
 $\square\square\square$ $\square\square\square\square$

,
 $\square\square\square$ $\square\square\square\square$

,
 $\square\square\square\square$ $\square\square\square$

,
 $\square\square\square$ $\square\square\square$

.

5. Шуъбанинг ривоятида « $\square\square\square\square$ $\square\square\square\square$ $\square\square\square\square$ $\square\square\square$ » оятида « $\square\square\square\square$ » калимасида вакфда ҳам, васлда ҳам «йа» тушиб қолади, сукун билан ўкилади.

6. Шуъбанинг ривоятида « $\square\square\square\square$ $\square\square$ » калимасида «дал»да ишмом билан, «нун»ни касрали килиб, «ха»ни сила билан ўкилади.

Бу коидаларнинг тафсилоти ва яна айрим хилофларни ушбу мавзудаги китоблардан ўрганилади.

